

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН  
ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ



«ИНГЛИЗ ТИЛИ ЛЕКСИКОЛОГИЯ  
КАФЕДРАСИ»



## II qism

ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИ ҚИЁСИЙ -ТИПОЛОГИК ВА  
ЛИНГВОМАДАНИЯТШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИДА  
ТАДКИҚИ ВА УЛАРНИНГ ЧЕТ ТИЛЛАРНИ  
ЎҚИТИШДАГИ ЎРНИ

Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами

**ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИ ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ВА  
ЛИНГВОМАДАНИЯТШУНОСЛИК  
ЙЎНАЛИШЛАРИДА ТАДЌИКИ ВА УЛАРНИНГ  
ТИЛЛАРНИ ЎЌИТИШДАГИ ЎРНИ**

2-КИСМ

2017- йил 5-апрель

ТОШКЕНТ  
«ТУРОН-ИҚБОЛ»  
2017

**“Тил бирликларини қиёсий-типологик ва лингвомаданиятшунослик йўналишларида тадқиқи ва уларнинг тилларни ўқитишдаги ўрни”:** илмий мақолалар тўплами : К.1-2. - Тошкент : « Турон-Иқбол », 2017. - 286 б.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимиз дунё ҳамжамиятига кўшилиши жараёнига юз тутди. Бу эса мамлакатлар ўртасидаги сиёсий, маданий ва иқтисодий алоқаларни ривожлантиришига олиб келмоқда. Шундан келиб чиқсан ҳолда, Республикамиз Президентининг 2012 йил 10-декабрда қабул килинган ПҚ-1875- сонли қарорида "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги қарори долзарб аҳамият касб этади. Бу эса Республикамиздаги чет тили ўқитувчиларининг олдига дарс жараёнида замонавий педагогик техналогиялар ва информацион ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш вазифасини кўйди. Мазкур анжуман материаллари ўз ичига чет тилларини ўқитиш муаммолари, жумладан Тил бирликларини қиёсий – типологик тадқиқ қилиш масалалари, Лингвомаданиятшуносликнинг долзарб муаммолари , Қиёсий чоғиштирма тилшунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари хамда тил бирликларини лингвокультурологик йуналишда ўрганиш ва ўқитиш масалаларини қамраб олган. Мазкур тўпламда Республика олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходимлар, мустакил изланувчилар ҳамда магистратура талабалари илмий изланишлари натижалари ўз аксини топган.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Инглиз тили 2-факультети инглиз тили лексикологияси кафедрасининг 9-сонли мажлис баённомаси қарорига кўра нашрга тавсия этилди. (2017- йил 5-апрель 9-сонли мажлис баённомаси)

Масъул мұхаррир:  
Боқиева Г.Х, ф.ф.д, профессор

Тахрир ҳайъати:

Ф.Ф.Н., доц. Икрамов Т.Т.  
Ф.Ф.Н., доц. Матякубов Ж. И.  
Ф.Ф.Н., доц. Тўхтаходжаева З. Т.  
Ф.Ф.Н., доц. Ибрагимходжаев Н  
Ф.Ф.Н., доц.Сайдова М. С

Тузувчи:

Азимбаева Д. А.

Мақолада келтирилган далил ва маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Юқорида келтирилган мисолдан бир феълнинг рангни ифодаловчи сўз билан бирикиб, кўплаб маъно касб этишини кўриш мумкин. Аслида “jeter” феълининг лугавий маъносини кўйидагилар ташкил этади:

- 1) ташламоқ;
- 2) отмоқ;
- 3) ирғитмоқ;
- 4) тушурмоқ (лангарни);

“Jeter du noir” ибораси Я.И.Рецкернинг “Французча-русча фразеологик лугат” (“Французско-русский фразеологический словарь”)и [7.] асосида изохланганда эса кўйидагича маъноларни англатишига гувоҳ бўлинди:

- 1) қайғуга солмоқ;
- 2) ғамга ботирмоқ;
- 3) қора килмоқ (ҳаётини);
- 4) кўланка ташламоқ.

Бундан кўринадики, “Jeter du noir” ФБ ўз лисоний табиатига қўра барқарор бўлиб ҳисобланади, акс ҳолда, у ФБ деган мақомга эга бўлмас ва эркин сўз бирлигига айланиб қолган бўларди.[8.] Иборанинг ўзбек тилида бир неча вариантларга эгалиги эса, уни таржимада яқъол англаш имкониятини беради.

Маълумки, таржима жараённида воқеликни бор бўй-басти билан англаш учун сўз маъносини тўлиқ очиш — энг асосий ва зарурий омил ҳисобланади. Бу борада шубҳасиз, И.Фафуров ва Х.Тўрабеков сингари таржимонларнинг олиб борган изланишлари бекиёс аҳамият касб этиб, ўғирмалардаги ҳар бир таржимоннинг ўзига хос услубидан она тилимизнинг бадиий тил воситаларига нечоғлик бой эканлигини яна бир бор кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, бадиий асарларда Фблардан фойдаланиш барча тилларга хос бўлиб, “фразеологизмлар оддий эркин сўз бирималарига ўхшаса ҳам, структураси турғун бўлиб, уни ташкил этган компонентлари сўзлар таркибини ўзгартиришга йўл кўймайди.” (V.Fromkin, R.Rodman, “An Introduction to Language”). Шунингдек, Фблар таржимада ҳар доим ҳам фразеологизмлар билан ифодаланмай, ибора мазмунига якин бошқа сўз, сўз биримга ёки гап билан ҳам ўгирилиши мумкин, шу сабабли фразеологизмлар баъзан структуравий жиҳатдан сўзларга эквивалент бўлиб кела олади.

Юқорида келтирилган ҳусусиятларни инобатга олган ҳолда, таъкидаш жоизки, Фблар таржимасида ўша мамлакат ва давр руҳини ўзида акс эттирган фразеологизмларни чукур таҳлил этиб, уларнинг матнда тутган ўрнини тўғри баҳолаш энг аввало, таржимондан катта этибор ва билим талаб этади. Зоро айнан таржимон — тарихларни, даврларни, маданиятлар ва милилатларни бир-бири билан боғлаб турадиган қудратли қурол — “тил”нинг “ишончли вакили”дир.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. /Асарни ўрганиш бўйича ўкув-кўргазмали қўлланма. Т.: Шарқ, 1999, -70 б.
2. Саломов F. T. Таржима назарияси асослари. Т.: Ўқитувчи, 1983, -224 б.
3. Guy de Maupassant Bel-Ami. M.: ВШ, 1981, -42 р.
4. Ги де Мопассан Ҳаёт; Азизим; Новеллалар. Русчадан И.Фафуров тарж., Т.: Fafur Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987, -50 р.

#### **“ОҚ” РАНГ ВОСИТАСИДА ҲОСИЛ БЎЛГАН ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ БАДИЙ ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ**

*Хожиева Гулчеҳра Салимовна  
БухДУ ўқитувчиси*

Маълумки, ўзликни англаш ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий бөглиқлик тил орқали намоён бўлади. [1.] Ҳар бир ўрганилган тил инсонга янги ҳаёт бағишлайди.

Тадқиқот давомида француз тили тил бирликларини ўрганиш асосида француз адиблари яратган асарларнинг ўзига хос тарафларидан бири бўлмиш — ранглар воситасида ҳосил бўлган фразеологик бирликлар (бундан кейин -ФБ) хусусида фикр юритилади. Мазкур асарларда ранглар орқали инсон характери, ҳис-туйғулари, воқеа-ходисаларни ифодалаш орқали асар моҳиятининг ўзига хослиги ҳамда бетакрорлигини таъминлаш каби хусусиятлар яққол кўзга ташланади.

Француз халқида ажойиб бир нақл бор: “Chacun a sa manière” яъни, “Хар бир киши ўз услугига эга”. Шу сабабли биз ушбу мақолада бу борада иш олиб борган — ўз асарларининг эстетик ва маъно жиҳатдан кўламдор бўлишини таъминлашда айнан ранглар воситасида ҳосил бўлган ФБдан фойдаланган француз ёзувчилари асарларига мурожаат этдик.

Оқ ранг ҳаётимизда энг кўп қўлланилувчи ранглардан бири ҳисобланади. Француз адиблари асарларида мазкур ранг воситасида ҳосил бўлган ибораларни кўплаб учратиш мумкин. Масалан, “Voix blanche” ФБ ўзбек тилида икки хил маъно касб этади, биринчидан, “ҳиссиз овоз” тарзида образли бирикма ҳосил қилса, сўзма-сўз таржимада “оппок овоз” деган маънони беради, аммо фразеологик нуқтаи назардан, у “кўркув ва ҳаяжондан титраган овоз”, “титроқ овоз” демакдир. Агар ўқувчи уни таржима қилиш жараённида маҳсус фразеологик луғатдан фойдаланмаса, асар моҳиятини тушуниб этиши ва тўла англаши мумкин бўлмай қолади.

1. Аслиятда: *Jenny avait saisie son bras et s'y agrippait. Ses traits étaient décomposés:— Qu'est-ce qu'ils vont vous faire? — demanda-t-elle d'une voix blanche.* [2.]

Таржимада: Женни унинг қўлларини қаттиқ сиқди, унинг юзи қўркувдан докадек оқариб кетган эди:— Улар нима қилишимоқчи? — сўради у **титраған овоз билан**. (Таржима X.Г.)

Иккинчидан, бу ибора “ҳиссиз, бир хил товуш” маъносини ҳам англатиши мумкин.

2. Аслиятда: *Du salon viennent des grands cris, des rires fous, et la voix blanche de Valéry, le chef de la danse...* (A. Daudet, “L’Immortel”)

Таржимада: Меҳмонхонадан қаттиқ қичқириқлар, қаҳқаҳалар ва ўйинчилар бошлигъ Валерийнинг ҳиссиз товуши эшиштилар эди. (Таржима X.Г.)

Яна бир ФБ “Voir tout en blanc” — “ҳамма нарсани гўзал қиёфада кўрмок” сўз бирикмаси, “камчиликларига кўз юммоқ” [3.] идиоматик ибораси оптимист одамларга нисбатан қўлланилади.

Ушбу иборада “blanc” сўзи доминант саналади. Ўзбек тилида эса “оқ” ранг яхшилик аломати ҳисобланиб, буни биз ўзбек менталитети акс этадиган рамзий маънодаги “оқ кўнгил”, “оқ йўл тиламоқ” каби сўз ва сўз бирикмаларда ҳам кўришимиз мумкин. Шу нуқтаи назардан мазкур ўринда “ҳамма нарсани гўзал қиёфада кўрмок” ҳиссий-бўёқдорликни ифодаловчи сўз бирикма вужудга келган. Мазкур мисолдаги “voir tout en blanc” ибораси “ҳамма нарсани гўзал қиёфада кўрмок” сўз бирикмасига ўзаро эквивалент ҳисобланади ва улар орасида шаклий ўхшашлик мавжуд эмас.

“Montrer patte blanche” идиомаси ўзбек тилига турғун ибора тарзида ўгирилади. Бу ФБ таржимаси “белги бермоқ” тарзида иборага, “билдирмоқ” тарзида сўзга тенг.

3. Аслиятда: *José a sonné deux fois, comme il était convenu, pour montrer patte blanche.* [4.]

Таржимада: Худди олдиндан келишилгандек, ўзини билдириши учун Жозе эшик қўнгирогини икки марта босди. (Таржима X.Г.)

“Laisser une marge blanche” ибораси ҳам француз тилида идиоматик бирикма саналади. Ўзбек тилида эса “сукут сакламоқ” тарзида турғун иборага айланган.

4. Аслиятда: *Elle ne disait que les choses qu'on était bien obligé de dire et laisser pour le reste une grande marge blanche...* (E.Triolet, “Personne qui ne m'aime”)

Таржимада: У фақат айтишига мажбур бўлган гапларнигина айтар, қолганларига сукут сакларди. (Таржима X.Г.)

Бу таржимада албатта, аслиятдаги маъно тўла акс этган. Идиоматик иборалар миллий тил хусусиятларини ифодалагани сабаб, ушбу ибора маъноси мазкур ўринда тўғри берилган. Айтиш жоизки, “фразеологизмлар ҳам лексик бирликлар каби ўз синоним ва вариант

қаторларига эга, бу уларнинг маъноларини ифода қилишда, тил бойлигини оширишда катта аҳамиятга эга”. [5.] Шу нуқтаи назардан, ФБни ўзбек тилида мос идиоматик ибора билан акс эттирасак, “оғзида қатиқ ивитмок”, образли тарзда бермоқчи бўлсак, “мум тишламок”, “оғзига талкон солмок” сингари таржима қилиш мумкин. Юқоридаги мисолда эса “сукут сақламок” ибораси ўринлидир.

“Se regarder (dans) le blanc des yeux” — “кўзига тик боқмоқ”, “юзма-юз келмоқ” ибораси ўзига хос хусусиятга эга.

5. Аслиятда: *Ah! Ah! s'est-il écrié, en frappant du poing, il veut s'évader encore comme à Grandpré... mais je ne lui laisserai pas le temps, et cette fois nous nous regarderons le blanc des yeux (A.Theuriet, “La Chanoinesse”).*

Таржимада: Ҳа, ҳали шунақами! — хитоб қилди Ренар, столга муштлаб, — у яна Гранпредагидек қочишига чоғланяпти. Лекин бу сафар унга имкон бериб бўтман. Бу сафар унинг мен билан юзма-юз келишига тўғри келади. (Таржима X.Г.)

Мазкур ўринда иборанинг француз ва ўзбек тилларидаги маъноси образлилик даражасига мувофиқ келгани ҳолда таржимада адекватликни акс эттирган.

Хулоса қилиб айтганда, француз тилидаги ранглар воситасида ҳосил бўлган ФБ таржимаси ўзбек тилида бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга ва уларни куйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Турли тилларга хос фразеологизмларни ўзаро қиёслашда таржиманинг аҳамияти бекиёс ва у тиллараро коммуниативлик вазифасини бажаради.

2. Фбларнинг асосий белгилари – бу уларнинг қўчма маънога эга эканлиги, маъносининг яхлитлиги, эмоционал-экспрессив таъсирчанлик, ҳамда турғунлик ва образлиликка асосланишидир.

3. Инсон тана аъзолари билан боғлиқ ранглар воситасида ясалган Фблар энг кенг тарқалган ва кўп қўлланиладиган иборалар ҳисобланади. Мазкур Фблар эмаоционал-экспрессивликни кучайтириш, маънони ёрқинроқ ифодалашда асосий восита сифатида хизмат қиласди.

4. Фблар таржимада ҳар доим ҳам фразеологизмлар билан ифодаланмай, ибора мазмунига яқин бошқа сўз бирикмалари ёки гап билан ҳам ўгирилиши мумкин.

5. Ҳар бир тилга хос иборалар ўша ҳалқ менталитети ва тил меъёрларидан келиб чиқиб, фақат шу ҳалқнинг фикр тарзини, маънавий олами ва маданиятини акс эттиради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

- 1.Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т., Маънавият, 2009. -83 б.
- 2.Martin du Gard.R Les Thibolts,M.,Édition du Progrès,1966. -52 р.
- 3.Рецкер Я.И. Французско-русский фразеологический словарь,М.,1963, -102 с.
- 4.Flobert G. Correspondance,M., Editions en langues étrangères, 1978, -36 р.
- 5.Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари,Т.,1991, -Б. 214-217.
- 6.Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари, Т., Фан, 2005, -9 б.

## ТИЛШУНОСЛИКДА ТАВИРИЙ ИФОДАЛАР ВА ЛАҶАБЛАРНИНГ СЕМАНТИК ЖИҲАТДАН ГАПЛАРДА ҚЎЛЛАНИШИ

C. K. Ҳажиев  
ЎзДЖТУ

**Калит сўзлар:** лақаб, предмет, тсавирий ифода, номлаш, функционал хусусиятлар.

Дунёдаги барча тилларнинг лугат таркибидаги сўзлар ўз маъносидан ташқари, қўчма маънога ўтиш натижасида бошқа бир воеа ёки ходисани номини аташга хизмат қиласди. Шуни ҳам айтиш керакки, сўз маъноларининг қўчиши ёки ўзгариши тасодифий бир хол бўлмай, балки у ҳаёт тақазоси ҳамдир. Чунки тилнинг бу ходисаси ҳаётнинг турли жабхалари билан чамбарчас боғлиқдир. Жамият қанчалик ривожланса ва ўзгаришлар қанчалик қўп бўлса, шунчалик қўп тушунчалар пайдо бўлиши табиий ҳолдир. Бу тушунчалар

<a href="https://buxdu.uz">https://buxdu.uz</a>	
ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎРГАТИШДА ТАЙЁРЛАМАГАН МОНОЛОГИК НУТҚҚА ЎРГАТИШ-НИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....	156
<b>Zafarova Sh.</b>	
PRAGMATIC ASPECT OF IDIOMS AND THEIR USAGE IN THE TEACHING PROCESS .	157
<b>Зиядуллаев И.О</b>	
ХОЗИРГИ ЗАМОН НЕМИС ТИЛИДА ГАПЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ .....	158
<b>Зияева Ш.Н.</b>	
ТИЛШУНОСЛИҚДАГИ ЯНГИ ЙУНАЛИШ ХУСУСИДА.....	160
<b>Gulnoza Ziyadullayeva</b>	
XITOY FRAZEOLOGIYASIDA “CHENGYU” TUSHUNCHASI VA UNING QADIMGI ADABIYOTGA TA’SIRI.....	162
<b>Зоиррова Ш.А.</b>	
МАТННИНГ ПРАГМАТИК МАЗМУННИ АНИҚЛАШТИРУВЧИ ИЛЛОКУТИВ ФЕЛЬЛАР ТАДҚИҚИ.....	164
<b>Зоиррова А.И</b>	
БАДИЙ АДАБИЁТНИНГ ТАРБИЯДАГИ ЎРНИ.....	165
<b>Ибрагимова Малика</b>	
СРАВНЕНИЕ АСПЕКТА ГЛАГОЛА В ЯПОНСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ.....	167
<b>Ibragimova Surayyo</b>	
TRANSLATION OF PHRASEOLOGICAL UNITS FROM ENGLISH INTO RUSSIAN AND ITS CHALLENGES.....	170
<b>Икрамов Т,</b>	
ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР КОМПОНЕНТЛАРИНИНГ СЎЗЛИК МАҚОМИ ХУСУСИДА	
<b>Икрамова С</b>	
КЕЛИШИКЛАРДА МАКОНИЙ КАТЕГОРИЯНИНГ НАМОЁН БУЛИШИ.....	174
<b>Икрамов Т.Т.</b>	
ФРАЗЕОМАТИК БИРЛИКЛАРНИНГ БАЪЗИ БИР ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА.....	176
<b>Икрамов Т.Т.,</b>	
ҚИСҚАРТМА СЎЗЛАР БИЛАН УЛАРНИНГ ПРОТОТИПЛАРИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ХУСУСИДА.....	177
<b>Imamova Gulshan</b>	
STRATEGIES FOR DEVELOPING READING SKILLS OF SCHOOL PUPILS.....	179
<b>Иногамова Ф.М</b>	
ЛИНГВОКУЛЬТУРНЫЕ КОНЦЕПТЫ В ОБУЧЕНИИ ИНОЯЗЫЧНОМУ ОБЩЕНИЮ НА СТАРШИХ КУРСАХ ЯЗЫКОВОГО ВУЗА.....	180
<b>Irgasheva Aziza</b>	
THE PROBLEM OF EQUIVALENCE OF THE PHRASEOLOGISM AND THE WORD .....	181
<b>T.Islamova</b>	
THEORETICAL BACKGROUND OF TEACHING STRATEGIES ON BUSINESS BASIS IN ESP GROUPS.....	183
<b>Барнохон Исмоилова, Сайдабону Абдусаломова</b>	
ЭТНИЧЕСКАЯ И СОЦИАЛЬНО-КУЛЬТУРНАЯ РОЛЬ ЯЗЫКА В ОБЩЕСТВЕ.....	185
<b>Ismoilova Barnoxon Valijon qizi</b>	
LANGUAGE POLICY AND PLANNING IN UZBEKISTAN.....	187
<b>Исмоилов Т.С</b>	
ЎЗГА МАДАНИЙ МУҲИТГА ТУШИБ ҚОЛГАН ОБЪЕКТНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ ТАЛҚИНИ.....	188
<b>Isroilova Ma'mura</b>	
浅谈乌兹别克民间童话.....	190
<b>Isroilova Ma'mura</b>	
XITOY TILIDA YO'NALISHNI IFODALOVCHI YORDAMCHI TO'LDIRUVCHILARNING GAPDA QO'LLANILISHI VA TARJIMADAGI MUAMMOLARI.....	192